

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №26

Бухоро шаҳри

«15» «*январь*» 2022 йил

“SAHOVAT CAPITAL” МЧЖ корхонаси кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Нусратов Қ номидан, бир томондан ва Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бош врач Холов.Ў.А номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31»«декабрь»2021 йилгача

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Мол гушти	кг	1200	55000	66000000
2	Товук гушти (броллер)	кг	800	18000	14400000
3	Картошка	кг	1600	4000	6400000
4	Пиёз	кг	900	1800	1620000
5	Сабзи	кг	900	1500	1350000
6	Усимлик (кунгабокар) ёғи	литр	200	19000	3800000
7	Масло слив 82,5 %	кг	250	37000	9250000
8	Пишлоқ	кг	300	30000	9000000
9	Гурунч (Аланга)	кг	250	7800	1950000
10	Кади	кг	150	2000	300000
11	Карам	кг	400	5000	2000000
12	Тухум 1-тоифали Д-1	дона	6000	900	5400000
13	Томатлар	кг	60	15000	900000
14	Гречка	кг	100	15000	1500000
15	Ун импорт (казок) олий нав	кг	200	6000	1200000
16	Нухат ёрмаси	кг	50	7000	350000
17	Мани ёрмаси	кг	50	7000	350000
18	Шакар	кг	100	8500	850000
19	Перловка	кг	50	7000	350000
20	Мош	кг	50	13000	650000
21	Макарон	кг	75	6500	487500
22	Чой	кг	5	30000	150000
23	Туз	кг	60	1200	72000
	Жами				128329500

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 128 329 500 (Бир юз йигирма саккиз миллион уч юз йигирма туккиз беш юз) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 38498850 сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тулов 2022 йилнинг *январь* ойида амалга оширилади. Якуний туловнинг миқдори эса 89830650 сўмни, яъни, қилинган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тулов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил “31” декабр гача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тулов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ қилини керак.